



VIEWS OF EASTERN THINKERS ON RAISING CHILDREN

A.Tajibayeva¹

¹ Nukus DPI, Beginner

4th year student of the Faculty of Education

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5091767>

ARTICLE INFO

Received: 01st July 2021

Accepted: 05th July 2021

Online: 10th July 2021

KEY WORDS

Oriental thinkers,
"Monuments of Ancient Peoples", "India",
"Surveillance of the child ensures the light of the parents' face."

ABSTRACT

From time immemorial, the great scholars and scientists of society have been interested in the problems of education of the younger generation. Oriental thinkers such as Abu Nasr Farobi, Abu Rayhan Beruni, Abu Ali Ibn Sino, Yusuf Hos Hajib, and in the 13th and 19th centuries, such as Amir Temur, Alisher Navoi, and Abdullah Avloni, expressed important ideas about the upbringing of a mature generation. The valuable ideas of thinkers about the upbringing of children in the family, morality and the study of science have not lost their force even today.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

A.Тажибоева¹

¹ Нукус ДПИ, Бошланғич

таълим факультети 4-босқич талабаси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-iyul 2021

Ma'qullandi: 05-iyul 2021

Chop etildi: 10-iyul 2021

KALIT SO'ZLAR

Шарқ мутафаккирлари,
"Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар",
"Ҳиндистон",
"Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди".

ANNOTATSIYA

Энг қадимги даврлардан буён ёш авлоднинг таълим-тарбияси борасидаги муаммолар жамиятнинг буюк алломалари ва донишмандларини қизиқтириб келган. Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб ва XIII-XIX асрларда Амир Темур, Алишер Навоий ва Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар ўз асарларида баркамол авлод тарбиясига доир муҳим фикрларни баён этганлар. Мутафаккирларнинг оилада бола тарбияси, одоб-ахлоқ ва илм ўрганиш борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги даврда ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Қадимги даврларда болаликдаги ўйинлар ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган. Ўйинлар ёрдамида болалар улғайган, чиниққан, жисмонан бақувват бўлган,

ақлан ва руҳан ривожланган, маънавий камол топган. Ўйинлар соғломлаштирувчи восита сифатида болаларни жисмонан бақувват, чаққон,



эпчил, ақлан расо, руҳан тетик бўлиб улғайишига ёрдам берган. Болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўрган, турмушдаги қийинчиликларни енгишни машқ қилган, иш ва курашда ғалаба қилишни ўрганган [1].

Ўйин ўз замонида фақатгина эпчиллик ва чаққонлик дарси эмас, балки тарбия мактаби ҳам ҳисобланган.

Булардан ташқари, ўйин воситаси ҳисобланган ўйинчоқларни кўпчилик пайтларда болаларнинг ўзлари ишлаган. Бу уларнинг ижодкорлик имкониятлари ва мустақил ҳаракат этиш қобилиятларини шакллантирган

[2].

Шундай қилиб, ўйинлар орқали болаларни ботирликка, чаққонликка, жасурлик ва сергакликка ўргатилган.

Қадимда бола тарбияси ва камолотида оиланинг роли катта бўлган. Айниқса ота-она ва яқин кишилар боланинг жасур, меҳнатсевар, ақлли ва ахлоқий камолоти учун алоҳида эътибор берган. Улар боланинг ривожланиши учун ҳалоллик, поклик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик ва меҳнатсеварлик каби қатор фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратганлар. Аждодларимиз болаларни ёшлигидан бошлаб чаққон, жасур, эпчил қилиб тарбиялашга ва бир қанча ҳунарларни ўргатишга алоҳида эътибор берган.

Абу Наср Форобий агар тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни эгаллаш, билимли бўлиш ҳамда тўғрилиқ, ҳақиқатни севиш, дўстларга садоқат каби фазилатларни эгаллашга

интилмас, унда уни тарбиячи, муаллим бундай фазилатларга ўргатиши керак бўлади [3] деб таъкидлайди. Унинг асарларида болаларнинг касб-ҳунарга қизиқиши ва билимли бўлишида нафақат оиланинг балки муаллимнинг ҳам ўрни катта эканлигини ёзиб қолдирган.

Ўрта асрнинг буюк файласуфи, Абу Райҳон Берунийнинг асарларида ҳам болаларга оид одоб-ахлоқ хусусида фикр юритилади. Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” номли асарларида инсон камолоти, сабр-тоқат, ақл-идрок каби тушунчаларга таъриф берган. Инсон, энг аввало, юриш-туришини тузатиши, одоб-ахлоқли ва маданиятли бўлиши муҳим эканлигини уқдиради.

Ўсмирларнинг тарбияси ҳақида ўз қарашлари билан ном қолдирган мутафаккирлардан бири Абу Али ибн Сино бола саломатлиги, унинг тарбияси ва энг муҳими, боланинг руҳиятини ўрганиш борасида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Уларнинг барчаси маълум педагогик тизимни ташкил этиб, етук, баркамол инсоннинг шаклланишида дастуриламал бўлади.

Мутафаккирнинг кўпгина асарларида болаларни тарбиялашда бола оилада яхши тарбия топиши кераклиги, ота-она болага ўрнатилган бўлиб, унинг келажагини белгилашда муҳим шахслар эканлигини айтиб ўтади. Ибн Сино болаларни меҳнатсевар ва касб-ҳунар ўрганишга чақиради. Унинг ақлий, эстетик ва жисмоний тарбия соҳасида болаларни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ўз замонида ва



ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Юсуф Хос Хожиб “Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди”, - дейди. Бундан келиб чиқадики, ота-оналар ўз болаларини назорат қилиб турмаса, бола тарбиясига ёмон таъсир қилади. Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва хулқида ёмон хислатлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай хислатлар ва хатти-ҳаракатлар ота-онага қайғу ва алам келтириши мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғитлари, насиҳатлари ва унинг жасурлиги, ватанпарварлиги, юртсеварлиги болаларни тарбиялашга катта ёрдам беради. Улар Амир Темурнинг босиб ўтган изларини ўқиб унинг насиҳатларига амал қилса, ҳаётдан муносиб ўрин эгаллай олади. Амир Темур ёшларнинг келажаги, тарбияси ҳақида сўз юритар экан, бу масалада у аввало фарзандга яхши исм қўйилишини у исм шу одамнинг юриш-туришига, келажагига мос бўлишини, ҳар бир одам ўз исмининг маъноси нимани англатишини билиши ва шунга ўзини мослаштириб юриши лозимлигини талаб этади [4]. Айниқса Амир Тимур мамлакатнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг жисмоний бақувват, маънавияти юксак бўлиши, ижтимоий ҳаётига ҳам эътибор беради. У ёшларнинг жисмоний бақувват, соғлом ўсишини, айниқса, аскарларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлигини ошириш орқали, ёшларга жисмоний – ҳарбий тарбия беришга катта аҳамият қаратган. Амир Темур мард ва жасур кишиларга ҳурмат-эътибор кўрсатади

ва ёшларни шундай фазилатларга эга қилиб тарбиялашни таъкидлайди.

Маърифатпарвар педагог Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ҳам болаларни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Абдулла Авлоний ҳар бир ота ва она ўз фарзандига илк ёшлигидан бошлаб таълим-тарбия бериши ва ҳунар ўргатиши зарур, деб таъкидлайди.

Унинг фикрича, соғлом кишилар ҳаёт синовларидан ўтиб, яшашга ва меҳнат қилишга тўлиқ лойиқдирлар. “Бадан тарбияси, баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонларга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли ва соғлом жасад керак” [5].

Болалар ўқишга жон-жаҳди билан берилиб, ҳар хил тилларни мукамал ўрганиши улар келажаги учун муҳим ҳисобланади, дейди олим.

Олиб борилган изланишларимиз болаларни тарбиялаш борасидаги бундай ғоялар ҳар бир тарихий даврда босқичма-босқич такомиллашиб борганини кўрсатади.

Шундай қилиб, энг қадимги даврларда, Шарқ мутафаккирлари илмий меросида бола тарбияси муаммолари ва уларни ечиш йўлларига алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур манбаларда болаларни тарбиялаш борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган тарбия мазмуни ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни тарбиялашда ўз самарадорлигини оширишга ёрдам беради.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 2001. – 400 б.
2. Алеёв У, Абдуллаева Б. Ақлий тарбия беришда болалар уйинининг аҳамияти // Қарақалпақ халқиниң этнопедагогикаси. Мақалалар топлами. Жуўаплы ред. Проф. Ө.Алеуов. Нөкис. Билим. 1995. – 105 б.
3. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри / Тузувчи М.Маҳмудов. –Т.: Халқ мероси, 1993. – 224 б.
4. Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ. Караматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида; / Сўз боши ва изоҳлар Б.Аҳмедовники / - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1996. – 344 б.
5. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.